

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



1-sentyabr 2022-yil 35 (981)



www.21asr.uz



@XXLasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАХКАМ АСОСИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам “Янги Ўзбекистон” боғида туриб, сиз, азияларни, бутун халқимизни улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида “Ўзбекистон Республикаси” деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов бошлигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзгичилигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.

Қадрли юртдошлар!

Охири олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмакдамыз.

Ўтган даврда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шарты ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг қадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги аъёнлар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам ота-хон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.



Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва сунъчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта “Олимпия чемпиони” деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз гурур бағишлайди.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислом бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса, халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таъсирингизга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишнинг давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмакдамыз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан. Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазибалар бўйича ташкил этамиз.

Биринчидан, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараш кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

Иккинчидан, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай бахсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом эттирамиз.

Учинчидан, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали кўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка ҳалақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтиради.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотларни изчил давом эттирамиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамиз.

Барча ҳудудларда соғлиқ тиббий

ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамиз.

Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.

Бешинчидан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Шу билан бирга, муаммоларни ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг қўламли вазибаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни энгиб ўтишга қодир.** Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимизни шойилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.**

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қутлуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва хушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қутлаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун биз ўз олдимизга улғувор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирилашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг фазл қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.



ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август кунини эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хiebонига ташриф буюрди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар қатагон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Ватанимиз фидойиларини айнан Мустиқлик байрами кунларида ёд этишда катта маъно бор. Бу халққа хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги қадрини яна бир бор аналтади.

2001 йилдан буён 31 август “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини” сифатида нишонлаб келинмоқда. Жаҳид боболаримизнинг руҳларини шод этиш, ҳаёти ва меросини ўрганишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йили “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи реконструкция қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жаҳид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишланган экпозиция ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари музейга кириб, мазкур кўргазма билан танишди.

– Бу ерга ҳар гал келиб, эътибор беришимиз бежиз эмас. Мустиқликка эришиш осон бўлмаган. Истиқлолимизга 31 йил бўлгани билан боболаримиз 100 йиллар олдин бунга ҳаракат қилган. 100 минг ватандошимиз қатагонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Нима учун? Чунки улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг ҳазинаси бўлган. 2-3 тадан тил билган. Ватанимизни озод қилиб, тараққиётга олиб чиқишини билшган. Бу ерда худди уларнинг овозлари эшитилгандек бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шулар ҳақида сўзлар экан, Президентимиз Қуръони каримдаги оятни ёдга олди. “Оли Имрон” сурасининг 169-оятда: “Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобламанг, улар тирикдир, Парвардигорлари ҳузурда ризқланишмоқда”, дея марҳамат қилинган.

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган шаҳид аждодларимизнинг хотираси ҳам ҳамиша барҳаётдир.

Давлатимиз раҳбари ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатагон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича ишларни давом эттириш кераклигини таъкидлади.

– Бутун дунёда бир парча қоғоз бўлсаюм, қанча маблағ кетсаюм, ўзбек миллатига дахлдор ҳужжатларни топинглар, деб топшириқ берганим, – деди Президент. – Охириги йилларда яна қанча қатагон қурбонлари аниқланди. Адолат нуқтаи назардан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тикляпмиз. Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жаҳид боболаримиз номида музейлар, мактаблар ташкил қилинган. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби куриб, ҳайкални ўрнатдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, “мен кимларнинг авлодиман” деб ўйлаши, асарларини билиши керак. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз паста тушинглар, халқнинг ичига боринглар, деяпмиз, халқдан куч оляпмиз. Чўлпон ҳам шундай деган. Бундай хайрли ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда изланаётган заҳматқаш олимларга, зиёлиларга миннатдорлик билдирди. Жаҳидларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросини ўргатиш бўйича кафедра ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, мустабид тузум фақат жаҳидларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз турли бўҳтонлар билан қамоққа олинган, ҳўранган.

– Бугун ҳам йўлда дейилани келяпман. 30-йилларни эски тарих деса, “пахта иши”-чи? Ўтақчиларимизни қатагон қилиш учун сохта айбловлар ўйлаб чиқаришди-ку. Бошқа республикаларда йўқмиди камчилик? Бундай аламли воқеаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бугунгидай байрамларда, тинч-осойишта кунларда шуларни ҳам юрагимиздан ўтказиб, ёшларимизга етказишимиз керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Дунё нотинч бўлиб бораётгани, бундай вазиятда оғоҳ ва вазмин бўлиш кераклиги қайд этилди. – Қураясизлар, дунёда рақобат, таҳдидлар кучайиб борапти. Хавф ёнимизда юрибди. Бунга тайёр бўлиш учун ҳамиша оғоҳ бўлиш зарур. Бугунги эмин-эркин ҳаётимизга шукрона айтиш билан бирга, эртанги кунимизни мустаҳкам қилишимиз керак. Қачон мустаҳкам қиламиз? Билимми бўлсак. Агар боболаримиз буюклигидан руҳланиб, ҳар бир соҳа бўйича таълимни мукаммал қилсак, манаман деган давлатдан кам жойимиз йўқ. Болаларимизни зўр ўқитсак, натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлади. Мустиқлигимиз барқарор ва абадий бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Хибондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат этилди. Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” боғига бориб, Мустиқлик монументи пойга гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа 2021 йилда, истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган эди. Унда мамлакатимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймослари акс эттирилган. Монументнинг энг юқори қисмида Хумо қуши тасвирланган.

“Мустиқлик монументи – она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнатқаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойга гуллар қўйди.

ЎЗА



ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Ўттиз бир йил...

Тарих учун арзимас муддат экани аён ҳақиқат. Лекин асрлар давомида мустамлака, қолоқ, аграр ўлка деган турли тамғалар остида яшаб келган халқ ва республика аҳли учун 1991 йил 1 сентябрь қадри ва улуг кундир. Ота-боболаримиз бир умр орзу қилган озодликнинг қанчалар азиз ва қимматли эканини дастлабки йиллари англаб етмагандирмиз. Лекин кейинги ўн йилликлар, айниқса, Янги Ўзбекистон даври деб аталаётган охири тарихий беш йилликнинг ўрни нақадар улуг ва шуқуҳли. Кексаю ёшдан сўранг: аввал қандай эдиг-у, бугун қандай бошимизни балан кўтариб, истиқлол байрамимизни нишонляпмиз.

Шу маънода мустиқлик йилларида катта сиёсат майдонига кириб келган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси учун ҳам ўтган қисқагина муддат ўзига хос синов ва тикланиш, такомиллашув вазифасини ўтади. Биз бугун ёруғ юз билан эришган ютуқларимиз баҳонасида халқимизни, кўпмиллатли мамлакатимиз аҳлини ушбу фароҳбахш айём билан қутлашга ҳақлими.

Фурсатдан фойдаланиб, O‘zLiDePнинг парламентдаги фракцияси, миллиондан зиёд аъзолари, фаолларимиз ҳамда электоратимиз вакилларининг – бутун халқимизнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, энг улуг, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси давлат мустиқлигининг 31 йиллиги билан барча юрдошларимизни самимий муборакбод этамиз.

Истиқлолимизнинг сўнгги олти йилда муҳтарам Президентимиз томонидан мамлакатимизда “Инсон қадри учун”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган улугвор ғояларни тўла жорий қилишга йўналтирилган қатъий ва изчил сазй-ҳаракатлар туфайли мислсиз ўзгаришлар, хусусан, ишбилармонлик муҳитининг яққол намоён этмоқда. Ана шу мақсад йўлида барчамизга куч-қувват, омад ва зафарлар ёр бўлсин! Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, озод ва обод Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшишдан чарчамайлик! Мустиқлигимиз абадий бўлсин!

Ахтам ХАЙТОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари – O‘zLiDeP фракцияси раҳбари

ҚУТЛАЙМИЗ

МУКОФОТЛАР МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ПАРТИЯДОШЛАР!

Президентимиз фармонида кўра, мамлакатимиз мустиқлигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳаларининг бир гуруҳи давлатимизнинг нуфузли унвонлари, ордени медаллари билан тақдирланди. Қувонарлиси, мукофотланганлар орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзолари, фаоллари ҳам бор.

Биз барча маслакдошларимизни нуфузли мукофотлар билан самимий муборакбод этамиз.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони билан
Чори Чўпулатов, Жарқўрган туманидаги “Жарқўрган” фермер хўжалиги бошлиғи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони билан

Эркин Халматов, Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи, O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси, Халқ депутатлари O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

Юлбарс Утаганов, Избоскан туманидаги “Утаганов Юлбарс” оилавий корхонаси раҳбари

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Мухаммад Сувонқулов, Пахтакор туманидаги “Семруғ” фермер хўжалиги бошлиғи, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Жиззах вилояти

Акбарўжа Турсунов, Учкўприк туманидаги “Тошкентлигузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Халқ депутатлари O‘zLiDeP вилоят кенгаши депутати, Фарғона вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Караматдин Календеров, Нукус шаҳар маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари

Замира Нуратдинова, Қорақалпоғистон Республикаси лепрозорийси бош шифокори
Фарида Хайретдинова, Андижон олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг волейбол бўйича мурабийси

Тошев Даврон, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси
Бозор Рахимов, Бахмал тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли

Дилбар Шоназарова, Пахтакор тумани ҳокимининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи
Эгамберди Оқбутаев, “Куйи Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Насос станциялари ва энергетика бошқармаси автокран ҳайдовчиси, Навоий вилояти

Илхомжон Ҳамроев, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг бош геологи ўринбосари

Меҳрижон Абдуллаева, Наманган вилояти мусиқали драма театри актриси
Рустамжон Сатторов, Самарқанд шаҳридаги “Bad Group” МЧЖ директори, O‘zLiDeP вилоят кенгаши қошидаги Фахрийлар кенгаши аъзоси

Тўхта Худойназаров, Тойлоқ тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, O‘zLiDeP вилоят кенгаши қоши

даги Фахрийлар кенгаши аъзоси

Ҳолида Абдуллаева, Сайхунобод туманидаги “Сайхунобод агропилла” масъулияти чекланган жамияти пилачиси

Робия Тулякова, Сурхондарё вилояти “Бувижонлар” мактаби раиси

Нормат Пирнафасов, “Туямўйин гидроэлектростанцияси” унитар корхонасининг турбина цехи машинисти, Хоразм вилояти

Алимджан Шадманов, Тошкент вилояти “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи металлургия цехи бошлиғи

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Мамагул Ахмедова, Қарши туманидаги “Момогул” фольклор-этнография халқ ансамбли аъзоси

Бибисора Бегнаева, Қарши туманидаги “Ертепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Нигора Салимова, Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

“Содиқ хизматлари учун” медаллари билан

Ботир Олимов, Шофиркон тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси

Уктамжон Махмуджанов, “Сўғдиёна бино ва иншоотлардан фойдаланиш” масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

Дилшод Ҳамрақулов, “Фарход гидроэлектростанцияси” унитар корхонасининг смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

Исажон Бойматов, Олтиариқ туманидаги “Хайрулло Баҳром Бойматов” фермер хўжалиги бошлиғи

“Келажак бунёдкори” медаллари билан

Ойбек Базаров, Навоий вилояти кўзи охишлар маҳсус кутубхонаси услубчиси

Сардоржон Раҳмонов, Давлатобод тумани “Тадбиркор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Наманган вилояти

“Жасорат” медаллари билан

Фарход Худойқулов, “Хунарманд” уюшмасининг Ғиждувон тумани бўлими аъзоси, тоштарош уста, Бухоро вилояти

Баҳодир Сайфуллаев, Дўстлик туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти
Ойбек Юдошов, Навбахор туманидаги оилавий тадбиркор, Навоий вилояти

Сордарбек Деҳканбаев, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги хунарманд-тикувчи

“Шуҳрат” медаллари билан

Юсубжон Урунов, Олот туманидаги “Ологросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти комбайн оператори
Матлуба Хакимова, Зафаробод тумани агроасноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси, Жиззах вилояти

Инобат Очилова, Навбахор туманидаги “Очилова Инобат” фермер хўжалиги бошлиғи

Икром Раҳматов, Оқдарё туманидаги “Зарафшон ломан парранда” МЧЖ таъсисчиси, партия аъзоси
Нуриддин Ходжабеков, Сирдарё туманидаги “Султон” фермер хўжалиги бошлиғи

Турсункул Хусанов, Сирдарё тумани “Ҳикматли” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

Шерали Маматмуротов, Бандихон тумани “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси
Расулжон Мирзаахмедов, Республика “Хунарманд” уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи, Халқ депутатлари O‘zLiDeP вилоят кенгаши депутати

Акрамжон Юнусов, Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, қандакор

О'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

Президентимизнинг шу йил 22 августдаги тadbиркорлар билан очиқ мулоқоти кўплаб ташкилотлар қатори Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тузилмалари зиммасидаги масъулиятни ҳам янада оширди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари иштирокида кенгайтирилган кўшма йиғилишда ушбу очиқ мулоқотдан келиб чиққан ҳолда партия олдидан турган долзарб вазифалар батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишни О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хайитов Қорақалпоғистон Республикасидан туриб онлайн тарзда олиб борди.

Хабарингиз бор, бу эзгу аниана, яъни давлат раҳбарининг тadbиркорлар билан очиқ, дўстона, турли расмий-чиноқлардан холи бевосита мулоқоти илк бор ўтган йил 20 август куни ташкил этилган эди. Ушунда Президент ишбилармонларни қўллаётган, уларни ўйлантираётган муаммоларни тинглади. Натижада йиллар давомида ҳал этилмаган масалалар аниқланди. Ушбу очиқ мулоқотда тушган минглаб мурожаатларда кўтарилган муаммолар бўйича дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинган эди тadbиркорлар деган киши учун чинакам байрам бўлди. Бизнесни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 130 триллион сўм кредит, 3,5 триллион сўмлик субсидия ва компенсациялар ажратилган эди ишбилармонларга катта имкониятлар эшикларини янада кенг очди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Турли сабабларга кўра иқтисодий қийинчиликка дуч келган тadbиркорларга кўмаклашишга киришилди. Масалан, хорижий валютада кредит олган ва валюта курсининг мунгазам ўсиши сабабли қийин аҳволга тушиб қолган юзлаб тadbиркорларга 123 миллион долларга тенг кредитлари миллий валютага ўтказиб берилди. Шунинг хисобига мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди. Ўтган йилги очиқ мулоқотнинг ёрқин самаралари бўлди бу натижалар.

Яқинда ўтказилган очиқ мулоқот эса бу борадаги ишлар изчил давом эттириляётганининг бир исботи бўлди дейиш мумкин. Мулоқотда бешта асосий йўналиш кўрсатиб ўтилди, уларнинг ҳар бири бўйича кўплаб ташаббуслар илгари сурилди.

Дурбек АХМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Бугун юртимизда тadbиркорларга елкадош бўлишга катта эътибор қаратилмоқда. Айрим рақамларни келтирсам. Шу йилнинг январь-июль ойларида кичик корхоналар, микрофирмалар сони тахминан ярим миллионга яқинлашди. Шунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик тadbиркорликнинг улуши 50 фоиздан ошди. Бу рақамлар ортда катта меҳнат ётибди. Шу билан бирга, ҳали бажарилмаган ишлар кўплигини ҳам аниқлашди бу рақамлар.

ТАДБИРКОР - ЭЛГА МАДАДКОР, буни вақт кўрсатди



ЎЗА сурати

Президентимизнинг тadbиркорлар билан мулоқоти ва белгиланган чора-тadbирлар бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Мухлиса АКРАМОВА, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, тadbиркор:

– Бу тарихий учрашув тadbиркорларга чинакамга қанот бағишлади. Президентимиз давлат муқофотларини ўз эгаларига топшираркан, “Бу кимгадир ёқади-ёқмайди, мен сизларнинг биринчи адвокатларингизман. Бепул адвокат”, деганининг ўзи катта гап. Бундан барча ишбилармонлар руҳланиб кетди. Ўзига бўлган ишонч анча ортди, шубҳасиз. Яна бир нарсаси эътибор қаратсак, мазкур учрашувга тadbиркорлардан республика штабига қарийб 8,5 мингга мурожаат келиб тушган, уларнинг 72 фоизи ҳал этилган жуда қувонарли ҳолат. Қолганлари ҳам тез орада ўз ечимини топишига ишонамиз. Тadbиркорликда енг шимариб, кўрқмасдан маррани янада баланд оладиган даврлар келди.

Дилшод ШОУМАРОВ, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:

– Партияимиз мазкур очиқ мулоқотдан сўнг аввалги ишларини сарҳисоб қилиб, янги режаларни белгилаб олмақда. Айни масалада “йўл харита”си ишлаб чиқиши режалаштирилган. Бунда, албатта, давлатимиз раҳбарининг тadbиркорлар билан очиқ мулоқотда белгилаб берган вазифалари дастуриламал бўлади.

Президентимизнинг ҳар бир вилоятда “Тadbиркорлар хибони”ни барпо қилиш, унда “Фаровонлик бунёдкорлари” деб номланувчи кўргазмаларнинг намойиш қилиниши каби тақлифлари ҳам партияимиз электорати бўлган тadbиркорларимизни қўллаб-қувватлашдаги улкан қадамдир.

Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Давлатимиз раҳбарининг тadbиркорлар билан очиқ мулоқоти негизда тadbиркорнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодий эркин фаолият юритишларини рағбатлантириш мақсадлари ётганини кўришимиз мумкин. Бугунги ислохотларнинг шиддатини таъминлашда бу жуда муҳим омил ҳисобланади.

Агар ўтган йил билан солиштирсангиз тadbиркорлар томонидан келиб тушган саволлар 7,5 мингга қисқарганини ҳисобга олсак, ушбу мулоқот майдони муаммоларнинг ижобий ечим топишига катта ҳисса қўшмоқда.

Унутмаслик зарурки, жамоатчилик назорати бор жойда ташкилот шаффоф ва адолатли ишлайди. Шунинг учун Президент хузурида Тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши аниқ муддао бўлди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тadbиркор” фахрий унвонининг таъсис этилиши эса ишбилармон ва тadbиркорларимизга катта шижоат, куч-қувват бағишлади. Уларни янги-янги мақсадлар билан амалий ишларни бошлашга, энг муҳими, кўпроқ иш ўринлари яратишга ундади.

Ботир МАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Бугун тadbиркорлар давлат раҳбари тимсолида ўзларининг кафолатини кўрмоқда. Ишбилармонлардан келиб тушган 12 мингдан ортиқ мурожаат ва уларнинг таҳлилидан шундай ҳулосага келиш қийин эмас. Сабаби, улар орасида бизнес вакилларини жиддий ташвишга солаётган мулк дахлсизлиги, тadbиркорлик фаолиятига аралашуш каби муаммолар ҳам етарлики.

Хусусан, жорий йил 1 июлдан буш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган сабабли тadbиркор ҳамда мулкдорлар анча хотиржам тортиди, ҳам эртанги кунга ишончи ортди.

Келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш давом этмоқда, шундан келиб чиқиб бизнес ҳамжамияти билан ҳамкорликни янаям фаоллаштиришимиз зарур.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбарининг тadbиркорлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва тарғиботи юзасидан аниқ чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сардор МУСТАФОЕВ, “XXI asr” мухбири

ДЕПУТАТ КўМАГИ БИЛАН



РАД ЭТИШ ҲАМ ЯХШИЛИККА

Ҳа-ҳа, баъзида шундай ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Бунга, айниқса, партияимиз депутатлари гувоҳ бўлгани яхшилик кадр-қимматини янада ошираркан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Шухрат Шарофуддинов яқиндагина юз берган шундай воқеани айтиб берганида биз ҳам ҳавасимизни яширмадик. Инсоннинг иродаси неларга қодирлигига яна бир ишонч ҳосил қилдик.

– Сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш давомида менга хат орқали мурожаат этган фуқаролар билан бевосита учрашишга ва масалани жойида муҳокама этишга ҳаракат қиламан, – дейди Ш. Шарофуддинов. – Шундай учрашувлардан бири 26 август куни бўлди. Бешариқ туманининг “Навбахор” МФЙга қарашли Нуробод кўчасида истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Ф. Мирзахакимов молиявий муносабатларда фирибгарликка учраганига оид муаммолари ҳал этилмаётганлиги тўғрисида мурожаат қилди.

Очиғини таъкидлаш керак, депутатимиз бевосита мулоқот давомида баён этилган ушбу масалани астойдил ўрганди. Ўз ваколати доирасида туман прокуратурасига тегишли сўров чиқарди. Хуллас, муаммо қисқа фурсатда ўз ечимини

ни топди. О'zLiDeP аъзосига самимий миннатдорчилик эълон қилинди сайловчи томонидан.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Воқеанинг иккинчи қисми янада диққатга сазовор. Ф. Мирзахакимовнинг ногиронлигини инобатга олиб, туман Ногиронлар жамияти томонидан унга ҳар томонлама қўлай ногиронлар аравачаси берилди.

Бироқ Ф. Мирзахакимов мазкур совғани қатъиян рад этаркан, кутилмаган бу қарорининг сабабини куйидагича изоҳлайди:

– Агар аравачага ўтирсам, қайтиб юришим даргумон бўлади. Мен эса тўхтамай юришим керак!

Ана сизга юрак амри, мана сизга инсон иродасининг амалий намойиши.

Шунинг учун ҳам учрашув давомида Ф. Мирзахакимовга аравача ўрнига юришга кўмаклашадиган мослама тақдим этилди.

Икки томоннинг нигоҳлари мамнуниятдан порлади. Шуниси энг муҳим эди, бизнинг назаримизда.

ЭНДИ БУ УЙДА ЯШАСА БЎЛАДИ!

Шинам бошпанаси бор одам хотиржам яшайди. Чунки уй ҳам кичик Ватан-да. Биз фақат унинг бағридагина ўзимизни бахтиёр хис қиламиз.

Шўрчи туманидаги Катта совур маҳалласида яшовчи ўрозгул Авазованинг бошпанаси анчагина таъмирталаб бўлиб қолган. Аёлни ногирон фарзанди борлиги учун оила иқтисодий танглиқда қолган, кўмакка муҳтож эди.

Бундан хабар топган Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гурӯҳи аъзоси Собир Остонакулов ў. Авазованинг уйига бориб, унинг яшаш шароити билан яқиндан танишди. Нураётган эски иморатда хонадон эгалари анча қийналаётганига гувоҳ бўлди.

Воқеадан таъсирланган депутатимизнинг ҳиммати жўш урди. Шижоат кўрсатиб, эскисининг ўрнига янги уй қуриб берди.

Хозирда ана шу уйда ўрозгул Авазова фарзандлари билан истиқомат қилмоқда. Ноибнинг хайрли ишидан нафақат хонадон аҳли, бутун қишлоқ аҳли миннатдор бўлишди.



МУХБИРИМИЗ



ФОРУМ

ШЎРТАННИНГ ШИЖОАТЛИ АЁЛЛАРИ

“Шўртангазимё” мажмуасида фаолият кўрсатаётган О'zLiDeP-нинг бошланғич партия ташкилоти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан “Шўртаннинг шижоатли хотин-қизлари форуми – 2022” ўтказилди.

Байрам тadbiri иштирокчилари дастлаб Шахрисабздаги муқаддас қадамжолар, “Оқсарой” мемориал комплекси, “Мақом” ҳамда “Амир Темур” музейларида бўлишди. Шахрисабз туманининг сўлим масканларидан бўлган “Лочин” оромгоҳида ташкил этилган анжуманда “Шўртангазимё” мажмуаси бош директори, О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шухрат Асанов барчани истиқлол шодийнаси билан кутлар экан, ушбу корхона жамоаси эришаётган ютуқларда хотин-қизлар ҳам нуносиб ҳисса қўшаётгани, ўз навбатида, уларнинг меҳнат қилиши ва дам олишини мароқли ўтказиши учун барча шароитлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг “Қувноқлар ва зукколар” беллашувига старт берилди.

Форумнинг иккинчи кунинда Президентимизнинг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ҳамда партия сайловолди платформасида белгиланган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш мақсадида “Соғлом оила – соғлом жамият” мавзусида семинар тренинг ташкил этилди.

– Мажмуа раҳбарияти томонидан тизимли ишлар амалга оширилаётганидан мамнунимиз, – дейди жамиятнинг хотин-қизлар қўмитаси раиси Динара Осимова. – Муқаддас қадамжолар ва қадимий шахарларга саёхатлар уюштирилмоқда. М. Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театрига чипталар

олиб берилди. Хотин-қизлар ўртасида миллий каштачилик, зардўзлик, амалий санъат, иссиқхона хўжалиги ва паррандачиликни йўлга қўйишга кўмаклашиш учун амалий маршрутлар ташкил этилмоқда. Депутатлар ва ҳуқуқшунослар иштирокидаги тadbирларда меҳнатга оид янги қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти аёллар ўртасида кенг тарғиб қилинаётир. Кадрлар кўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида улар доимий равишда моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Хотин-қизлар саломамлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиши янада яхшилаш мақсадида тиббиёт хонаси ташкил этилган бўлиб, унда бирламчи зарур тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар жамланган, шунингдек, малакали ҳамширалар томонидан доимий равишда сифатли хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Байрамлар баҳонасида таниқли хонадалар иштирокида катта концерт дастурлари, театрлаштирилган сахна кўринишлари намойиш этилади. Ишлаб чиқариш илғорлари қимматбахш совғалар, пул мукофотлари билан тақдирланади.

Кўпчиликда илиқ таассурот қолдирган форум давомида хотин-қизлар сув поло-си, волейбол, арқон тортиш, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича ўзаро беллашдилар. Вилоят мусиқали драма театрининг “Тўйдан олдин томоша” мусиқали спектаклини бориб кўрдилар.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ИНСОНИ АЗИЗ ЮРТНИНГ ФАОЛ ВА ФИДОЙИ ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий жараёнлар туб мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқот қилиш, иқтисодиёт, кичик бизнес ва хусусий сектор ривожига фаол иштирок этаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиши, изланишларидаги фаол иштирокини рағбатлантириш ҳамда шу орқали бугуннинг замонавий тадбиркор аёли қиёфасини яратиш борасидаги партия мақсади рўйбга чиқарилмоқда. О'зЛиДеРнинг “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови ана шундай мақсад йўлида ғоят аҳамиятли бўлмоқда.

Танловнинг Тошкент вилоят якуний республика босқичи Олмалик шаҳридаги “Металлург” маданият саройида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтди.

Иштирокчилар намоиш этган маҳсулотлар кўргазмасини депутатлар, О'зЛиДеР, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликчлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон касаб-ушмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси вакиллари билан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳолисона баҳолашди. Бундан ташқари, уларнинг экспорт ва импорт салоҳияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги фаоллиги, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда амалга оширган хайрли ишлари, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, ушмаган ёшларга касб-хунар ўргатиш сингари жиҳатлари инobatга олинди.

Унга кўра, 3-ўринга Оҳангарон туманидаги “Ohangaron Rustam agro” масъулияти

чекланган жамияти раҳбари Насиба Дадамова лойиқ топилди. 2-ўрин Урта Чирчиқ туманидаги “Agro city” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилбар Аҳмеджановага насиб қилди. Паркент туманидаги “Shabnam elegant” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Сурайё Телакова эса 1-ўринни қўлга киритди.

– Бугунги танловда ғолибни аниқлаш ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Дилбар Усмонова. – Негаки унда иштирок этган ҳар бир тадбиркорнинг ўз ютуғи, салоҳияти, ҳудуд иқтисодиётида тутган ўрни бор. Мана, масалан, бир ишбилармон аёлимиз хорижий инвестицияларни фаол жалб қилган бўлса, иккинчиси имконияти чекланган хотин-қизларни касб-хунарга йўналтириб, моддий фаровонлигини оширган, яна бири эса иш билан бандлигини таъминлашда катта ҳисса қўшган, бошқаси ҳали 22 ёш бўлишига



қарамасдан, ҳунар сирларини мукаммал эгаллаб, 20 дан ортиқ шогирд тарбиялаган. Буларни айтиб адо қилиб бўлмайди. Бугунги аёлларимиз нафақат ўз оиласининг моддий фаровонлигини таъминлаётган, балки мамлакат иқтисодиётига ҳам муносиб ҳисса қўшапти. Бу, албатта, эътирофга лойиқ.

Юқори даражада ўтган тантанали тақдирлаш маросимига ғолиблар партиянинг эсдалик совғалари ва дипломлари билан мукофотланди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудир

НАМАНГАН

“УЧ ФАВВОРА” КУЧЛИ УЧЛИККА ГУВОҲ БЎЛДИ

Наманган шаҳри марказидаги “Уч фаввора” хиббони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Юртимиз байроғи ҳилпираган, истиқлолни, инсон қадрини улуғловчи шорлар билан безалган, шу мазмундаги куй-қўшиқлар янграган.

Хиббонда “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган ҳамда бугун республика босқичида ўзaro беллашиш учун йиғилган 22 нафар тадбиркор хотин-қиз ўз маҳсулотларини келин сепини ёйгандек кўз-кўз қилишмоқда. Меҳмонлар ва ҳакамлар ҳайъати уларнинг ишини бирма-бир кузатиб, ўз баҳосини бермоқда. Таажжуб, ҳайратларини яширолганлари йўқ. Бунинг ифодаси ўлароқ миллийлигимиз муҳрланган жим-жамдор либосларни кийиб кўришмоқда, тақинчоқларни кўздан кўлга олиб томоша қилишмоқда. Хўв, ана, миришкор фермерларнинг намоиши – она замин ва кўшдан куч олиб, етилиб пишган барра сабзавоту полиз экинлари офтобда янада ярқираб, ўзига чорляпти.

Карнай-сурнай садолари барчани байрамона тадбирга чорлайди. Юртдошларимизнинг юз-кўзларида юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг барқарорлигидан хотиржамлик, эртанги кунга ишонч, шўкроналик туйғулари мужассам. Фавворалар атрофга ўзгача руҳ бағишламоқда. Болажонлар унинг атрофида гир ўйнаяпти. Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар келганига ишора бўлди, давлатимиз мадҳияси янгради. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Сардор Ғиёсов, Барно Мирзамова, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудир Севра Муслимова, партия вилоят кенгаши раиси Солижон Мўминов барчани энг улуғ ва энг азиз байрам билан табриклаб, иштирокчиларга омад ва зафарлар тилади. Вилоят мақом ансамбли ҳамда Наманган шаҳар маданият бўлими хонандалари ижросида куй ва қўшиқлар янгради. Миллий ва



замонавий либослар намоиши ҳаммага манзур бўлди.

Танлов якунларида кўра, 1-ўрин Наманган шаҳридаги “Latifa Guli” МЧЖ раҳбари Гулнора Мирзаабдуллаевага, 2-ўрин Уйчи туманидаги “Begoyim textile” МЧЖ раҳбари Севра Олимовага, 3-ўрин Поп туманидаги “Shaxobiddin-Shukrona textile” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Наргиза Давроновага насиб этди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Динара Якубова ғолиб ва фаолларга диплом ҳамда эсдалик совғаларини топширади экан, Президентимизнинг яқиндагина ишбилармонлар билан очиқ мулоқотида мамлакатда тадбиркорликни янада ри-

вожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича бир қатор ташаббуслар илгари сурилгани ва уларнинг аҳамияти хусусида гапирди. Тадбиркор ва фермерларни келгусида янада фаол бўлишга чақирди.

Гулнора МИРЗААБДУЛЛАЕВА,
биринчи ўрин соҳибаси,
Наманган шаҳридаги “Latifa Guli” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

– Тадбиркорлик фаолиятимни бошлаганимга 5 йил бўлди. Пар кўрпа, чойшаб, ёстиқ ва бошқа ётоқ буюмларини ишлаб чиқариб, мамлакатимиз бозорларига ва

Қирғизистонга етказишни йўлга қўйганман. Айни пайтда шаҳримиздаги 150 дан зиёд ишсиз хотин-қизни иш билан таъминлаганман. О'зЛиДеР ҳамиша бизга хайрихоҳ. Партия лойиҳаларида иштирок этиш менга доим ёқимли ва фойдали бўлган. Рақобатга бардошлиликни ўрганаман, тажриба ва қувват оламан бундай учрашувлардан.

Севра ОЛИМОВА,
иккинчи ўрин соҳибаси,
Уйчи туманидаги “Begoyim textile” масъулияти чекланган жамият раҳбари:

– Уйчидаги Кумтепа маҳалласида тикув цехимиз жойлашган бўлиб, у ерда юздан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилади. Асосан аёллар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Маҳаллий бозордан ташқари Россияга ҳам экспортни йўлга қўйганимиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги танлов ўзгача шуқудда ўтмоқда. О'зЛиДеР томонидан тадбиркор аёллар фаолиятига вақтида эътибор қаратилиб, керак бўлса муаммоларимиз ечимига ҳам кўмак берилаётганидан жуда мамнунман.

Наргиза ДАВРОНОВА,
учинчи ўрин соҳибаси,
Поп туманидаги “Shaxobiddin-Shukrona textile” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари:

– Бугун меҳнатимга берилган бу юксак баҳодан бошим осмонга етди. Атрофимдагилар каби тўрт мучам саломат эмаслигидан ўқсиз кунларим кўп бўлган. Ҳозир эса ундай эмас. Ҳар кунимга шўкрона айтиб яшайман. Юрломасам-да, қўлларим билан ҳамма юмушни бажара оламан-ку, ҳатто янгиликлар яратишим мумкин, деган ишонч билан иш бошлаганман. Хўнармандчиликда ўзим каби имконияти чекланганлар билан бир қаторда жисмонан соғлом опа-сингилларимга ҳам устоз бўла олаётганимдан қувонаман. Ҳукуматимиз ва албатта, бизга куч бераётган партияимизнинг бундай эътибори мени янги ташаббусларга ундайди.

СИРДАРЁ

ҲЕЧ КИМ НОРИЗО КЕТМАДИ



Диёримизда аёллар тадбиркорлиги, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бўлган эътибор йил сайин кучаймоқда. Сирдарё вилоятида ҳам бу борадаги амалий ишлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Гулистон шаҳридаги Тадбиркорлар ва ҳунармандлар марказида бўлиб ўтган “Ишбилармон аёл – 2022” кўрик-танлови ҳудудий республика босқичида бу ҳол яққол кўзга ташланиб турди. Тадбиркор ва фермер аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасини томоша қилган борки, бунга амин бўлди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 80 нафардан зиёд ишбилармон ва фермер аёллар иштирок этишди. Туман ва шаҳар босқичларида фаол қатнашиб, уларда ғолибликни қўлга киритган 11 ишбилармон республика ҳудудий босқичига етиб келди.

Баҳолаш жараёнида ҳар доимгидек барчаси эътиборга олинди: иштирокчилар қанчалар янги иш ўрни яратгани, экспорт салоҳияти, инвестициялар жалб қилишдаги иштироки каби мезонлар ҳакамлар диққат марказида бўлди. Шунга кўра ғолиблар аниқланди.

Хусусан, Сайхунбод туманидаги “Олимжон кизи Шоирахон” фермер ҳўжалиги раҳбари Шоира Шамамова мутлақ ғолиб деб топилди. Унинг ҳўжалигида бу-

гунги кунда ўндан ошиқ доимий, 50 га яқин мавсумий иш ўрни яратилган.

Иккинчи ўринга Янгиер шаҳридаги “Бекажон Ян” хусусий корхонаси раҳбари Эркинкой Мамажонова, учинчи ўринга Сардоба туманидаги “Нурафшон дала сари” фермер ҳўжалиги раҳбари Айсара Маматқулова лойиқ қўрилди.

Шунингдек, Сирдарё туманидаги “Рўхсора ширин ҳаёт” МЧЖ раҳбари Жамила Магзимова – “Замонавий ташаббускор аёл”;

Боёвут туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, хўнарманд Айсалар Саримсоқова – “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли”;

Ховос туманидаги “Сунатилло Гулшан” фермер ҳўжалиги раҳбари Дилором Ҳасанова – “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл”;

Оқолтин туманидаги “Янги авлод” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Замира Собирова – “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”;

Гулистон шаҳридаги “Старт леди” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Дилшода Маматқулова – “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” номинациялари бўйича тақдирланди.

Тадбир сўнггида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

ФАРҒОНА



ЯХШИ ИШЛАГАН ЯХШИ ЯШАШНИ ИСБОТЛАШДИ

“Ишбилармон аёл – 2022” кўрик-танловининг Фарғона вилоят ҳудудий республика босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Тадбирни О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши раиси Раҳматилло Камолов очиб берар экан, барчани энг улуғ, энг азиз айём – истиқлолнинг 31 йиллиги билан қўтлади. Мана шундай дорилмомон, тинч-тотув кунларда ҳамюртларимизнинг бахтиёр яшаб, умргузарилиқ қилаётгани, меҳнати ила юрт тараққиётига ҳисса қўшаётгани ҳам муштақилликнинг ўрни беқиёслигини алоҳида таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Мавлуда Ҳўжаева ва Мавлуда Ибрагимова, О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари

Жамолиддин Мелибоев ҳам иштирокчиларни айём билан қўтлаб, омад тилади.

Танлов якунларига кўра, 3-ўрин Фарғона шаҳридаги “Ишонч аёло поабазал” МЧЖ раҳбари Нигора Қодировага, 2-ўрин Езёвон туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Феруза Мамасиддиқовага, Фахрли биринчи ўрин эса “ММ порселлаин” МЧЖ раҳбари Муҳайё Сатторовга насиб этди.

Шунингдек, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликда салмоқли ютуқларга эришиб, аҳоли бандлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ ишбилармон аёллар ҳам турли номинациялар бўйича тақдирландилар. Барча иштирокчи ва ғолибларга партия ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Саҳифани “XXI asr” муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

31
yil

Mustaqillik
bayrami muborak bolsin!

Хизматлар лицензияланган.


1254



qqb.uz



@qqbank



Жиззах вилояти

Шароф Рашидов туманидаги


“Гулчи опа
томорқа
хизматлари”

кластери

Она халқимизга ўزлимизни
қайтарган, эзгу қадрият ва ўлмас
аъёналаримизни тиклашга замин
эратган кутлуқ байрам ~
Мустақилликимизнинг
31 йиллиги барчага
муборак бўлсин!

Улсон қадри юксалаётган юртимиз
кундан-кун урлаб-этилайверсин!

Жаннатимонанд заминимизда
тинчлик, фаровонлик мангу
хўб сурсин!



AGROMIR
group of companies

“AGROMIR”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ
ҚЎШМА КОРХОНА ЖАМОАСИ

Азиз юртодишлар!

Ота-боболаримиз асрлар давомида қўлга киритишга интилган,
тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилган
Мустақиллик айёми барчангизга муборак бўлсин!

Тинч ва осойишта юртимизда байрамлар байрамларга уланаверсин!

Мустақилликни мустаҳкамлаш, юрт тараққиётига
ҳисса қўшиши йўлидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар
ҳамроҳингизга айлансин!

Энг улуг, энг азиз байрамимиздаги эзгу тилагимиз –
истиклолимиз абадий бўлсин!



AGROMIR.UZ

АЙТАР СЎЗИМ СУВРАТИНИ, МОМО ЕРИМ, ЎЗИНГ БЕРДИНГ!

ЁХУД ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ, СЕНАТОР, O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ АЪЗОСИ МАҲМУД ТОИР ҲАҚИДА АЙРИМ ЭЪТИРОФЛАР

1999 йил... 7-синфда ўқирдим. Мактабдан келсам, онам машқ дафтаримни ёстигим тагидан топиб олиб, ўқиб ўтирган экан. Онам худди ўғрили устида кўлга тушгандек, мени кўриб жилмайди. Аммо қувончини яширмади. Мен шеър ёзсам, уйимиздагилар хурсанд бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаган эканман.

– Туппа-тузук ёзбсан-ку, – деди саккизинчини битириб, колхоз даласига меҳнат қилиш учун чиқиб кетган онам катта адабиётшунос олималардек. – Буни газетага бериш керак! Дўсту душман кўрсин!

– Эй кўйинг, одамни уялтирманг, – дейман худди шими йиртилиб қолган кишидек хижолат бўлиб. – Буларга қайси газетанинг кўзи учиб турибди?

– Мана, “Паркент тонги”га берамиз. У ерда Маҳмуд Тоир деган катта шоир бор. Ўзим илтимос қиламан. Биттаси айтди: “Бир тоғора ош қилиб тушсанг, ишинг битади”, деб...

Қулиб юрибман. Содда онамни кимдир бошлаб лакиллатибди. Бироқ волидам қаттиқ тараддулланганини кўриб, “Билганингизни қилинг”, дедим-да, бу воқеаларни унутдим. Онам-ку ўша айтгани – “ош тадбири”ни қўлмади. Лекин хаёлимдан “бир тоғора ош” деган жумла кетмай қолганди. Нега одамлар оғзига нима келса, шуни қўрмай гапирараркан-а...

Орадан кўп ўтмай, ўша тахририятда ишлайдиган бағрикенг устозим Нигора Шофайзиеванинг кўмаги билан илк шеърим нашр этилди. Кейин яна... Аста-секин катта устознинг эътиборига тушдим. Ҳатто туркум шеърларим маъқул келиб, “Паркент тонги”да босилди, “Оқ йўл” ўрнида ўзлари бир жумла сўз ёзибди... Ўша кезлар бу мендек ҳаваскор учун бир китобга татиғулик эди!

Шунга миннатдорлик билдириш учун бир дўстим би-

лан Паркент тумани ҳокимлиги биносининг иккинчи қава-тида жойлашган газета тахририятига – устознинг ишхона-сига бордик. Аммо шаҳарга кетганини эшитиб, коридорда қайтишга тараддулланган тургандик, ўзлари зинадан чиқиб кела бошлади. Ҳаётимда биринчи марта Маҳмуд Тоирга рў-барў бўлганим учунми ёки мулозамат қилишни билмасли-гимданми, жойимдан жилмай туравердим. Ўртоғим бўлса, устознинг олдига югуриб бориб, салом бериб, кўришди. Шу тобда устоз менга қараб: “Бу беадаб ким? Нега гўд-даяди ўзича?” деб, назарига илмай, хонасига кириб кет-са керак, деб ўйлагандим – йўқ, мутлақо акси бўлди. Ўзи мен томон бурилиб, уч-тўрт қадам ташлаб келди ва яхши шеърлар ёзганим билан табриклади. Раҳмат айтдимми ёки қаққайиб туравердимми, буни ҳам эслолмайман. Аммо ўша кунни камтарлик нимагини, самимият нелигини кашф эт-ганман! Маҳмуд Тоир ҳақидаги булар-бўлмас гаплар, миш-мишлар, уйдирмалар, айниқса, “бир тоғора ош...” ўша ку-ниёқ ўйларимдан сулурилиб кетган.

2003 йили республика ёш ижодкорларининг аъна-вий Зомин семинарига бордим. Катта давра, салкам про-фессинал шоир-ёзувчилар “ёш ижодкор”лар деб атал-ган сафда битта қаламкаш бўлиб юриш насиб этди менга ҳам. Аслида ўша даврадаги биттаю битта ёш ижодкор мен бўлсам керак, дейман баъзан... Ахир 17 га ҳам тўлмаган-дим-да.

Абдулла Орипов, Жуманиёв Жабборов, Мирпўлат Мирзо, Азим Суюн, Сирождиддин Саййид сингари устоз-лардан маҳорат сабоқлари олиш, уларга ўз машқларимиз-дан ўқиб бериб, баҳосини тинглаш... қисқаси, бу саодат-нинг ўзи эди! Маҳмуд Тоир ўша пайтда мени “Бу ҳали 16 ёш экан, Зоминга боришга улгуради”, деб рад этиши ҳам мумкин эди. Йўқ, устоз аксинча – Зоминга кетишимиздан бир кун олдин икки шеърим “Ўзбекистон адабиёти ва санъ-ати” газетасининг семинарлари сониде чоп этилишига ҳам

сабабчи бўлганди. Бу машқларим Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов назарини тортганидан, Ўрикисой оромгоҳида буюк шоир ўзимга шу ҳақида гапирганидан ҳа-ли-ҳамон фахрланиб юраман...

Қалам аҳли ҳақида гап кетганда, негадир аксарияти-миз шоир-ёзувчининг асарларига, адабиётшуносларнинг ун-га берган баҳосига эътибор қаратамиз. Уларнинг элу юртга нафи ҳақида бош қотирамиз. Тўғри, истеъдод муҳим. Истеъ-дод ҳатто ноёб. Бироқ ижодкорнинг одамийлиги, камтарли-ги, халқларварлиги, кенгфеъли бўлмаса, шахс сифатида ҳам ўзини намоеън этмаган бўлса, бир нави-да.

Шуқри, бизга бу жиҳатдан тўқис устоз ато этилмиш. Шоирлик фақат шеър ёзишдан иборат эмас, балки одам-шунослик қадир, дея кўп таъкидлайди ўзи. Ўзбекистон халқ шоири, яна қатор ордену медаллар соҳиби Маҳмуд Тоирнинг шеърини ўқимаган, битта сатрини ёд олмаган ўз-бек бўлмаса керак. Ахир ёзганлари сиёҳи қуримай, гузал кўшиқларга айланиб турса...

**Шамолларнинг шокиласи дарахларнинг бўйнидадир,
Тоғлар тошин дил изҳори ирмоқларнинг ўйнидадир,
Ошиқ булбул сир, хандаси гунчаларнинг кўйнидадир,
Айтар сўзим сувратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.**

Устоздан яхшилик кўрганлар кўп. Улар орасида қан-ча катта ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар бор. Қанча шоир бўламан, деб юрганлар бор. Қан-ча адабиётнинг кўчасига яқин йўламаганлар бор... Маҳмуд Тоир ўз-ўзидан бугунги мавқега чиқмаган, бугунги дав-ронга етмаган. Қанча синовлар, мағлубиятлар, камсити-лишлар, иғволар, тухматлар, ғийбатлар деворидан ўтган, ўтишига тўғри келган. Худойим омад берганда имтиҳони-ни ҳам аямаган. Тангрим ҳам суйганини кўп синаса керак, дейман ўзимча...



Шу боис устоз одамларнинг дарди билан яшайди. Ўзим гувоҳман, етти ёт бегоналар келиб, арзини айтади, шоирга алоқаси йўқ ишларни, мушкулларни ечиб бери-шини ишташади. “Сенаторсиз”, дейди илмоқли қилиб ёки илтижо айлаб. Устоз кўпчилигига ёрдам қилади, имкони етмаганларини ҳам ташлаб қўймайди. Фақат елкасига мин-дириб олмайди, холос...

**Зоҳиджон ОЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Garant bank

акциядорлик жамияти
Самарқанд шаҳар филиали

Келажакка ишонч билан қадам ташла!

“GARANT BANK” ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРГА ЎЗ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА КЕНГАЙТИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ШАРТЛАРДА ФОЙДАЛИ КРЕДИТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

● КРЕДИТ МИҚДОРИ **300 000 000** СЎМГАЧА
НАҚД ПУЛ ЁКИ КАРТАГА.

ФОИЗ СТАВКАСИ ЙИЛЛИК **30** ФОИЗ ЁКИ

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ **+13** ФОИЗ;

✓ МУДДАТИ **18** ОЙГАЧА;

✓ КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ;

✓ ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МУЛК.

“Garant bank”
билан ҳаммаси осон!

Кредитлаш бўйича батафсил маълумотларга

+998712002700; +998662336780

рақамларига қўнғироқ қилиш орқали эга бўлишингиз мумкин.

Онлайн-кредит
2 500 000 сўм
Хизматлар лицензияланган.

**Mustaqilligimiz
abadiy bo'lsin!**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
БУЛУНҒУР ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ
КЎРСАТАЁТГАН

“BULUNG'UR-SANDVIK”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

қаддимизни кўтарган, қадримизни оширган
Мустақиллик айёми билан барчани
чин қалбдан табриклар, хонадонларига
тинчлик-хотиржамлик, дастурхонига тўкин-сочинлик тилайди.
Дунё ҳамжамиятида ўз ўрни ва сўзига эга мамлакатимиз байроғи
мағрур ҳилпирайверсин!
Кўпмиллатли халқимиз аҳиллигига, бирдамлигига асло қўз тегмасин.
Аждодлар орзуси ушалган кутлуг сана барчамизга
яна бир бор муборак бўлсин!

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI asr
ЎЗБЕКИСТОН ГАЗЕТАСИ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирождиддин САЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор
МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 951 Адади: 5067
Электрон обуна – 1355

Баҳоси келишилган нарҳда.
Топширилди – 03:20

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Неъматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАБОРОВ